

## ЯГОНА ҲИСОБ - КИТОБ МАРКАЗИДА ҲИСОБ - КИТОБ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Маматкулов Муроджон Шукурович**  
**ТИҚХММИ мустақил изланувчиси, и.ф.н., доц.**  
E-mail: [zebo0608@mail.ru](mailto:zebo0608@mail.ru)

**Аннотация:** мақолада кўп квартирали уйларга коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ягона ҳисоб-китоб марказларининг ўрни, ягона ҳисоб-китоб марказларини афзаллиги ва камчилиги, уларда ҳисоб-китоб ишларини тартибга солиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш, ҳисоб-китоб ишларини юритишда иш ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар кенг ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** ягона ҳисоб-китоб марказида ҳисоб юритиш тартиби, ягона ҳисоб-китоб марказининг афзаллиги ва камчилиги, ягона тўлов квитанцияси, коммунал тўловларни ундириш тартиби.

**Аннотация:** В статье широко освещены соответствующие научные предложения и практические рекомендации о роли центров единого расчета в системе коммунального обслуживания многоквартирных домов, о преимуществах и недостатках центров единого расчета, об совершенствовании рабочей документации в ведении учетных работ.

**Ключевые слова:** порядок ведения учета в центре единого расчета, преимущества и недостатки центра единого расчета, единая платежная квитанция, порядок взимания коммунальных платежей.

**Abstract:** the article broadly highlights the relevant scientific proposals and practical recommendations on the role of single settlement centers in the public service system of apartment buildings, on the advantages and disadvantages of single settlement centers, on improving working documentation in the conduct of accounting work.

**Keywords:** the accounting procedure in the single settlement center, the advantages and disadvantages of the single settlement center, a single payment receipt, the procedure for collecting utility bills.

### Кириш

Бугунги иқтисодиётни глобаллашуви шароитида уй-жой коммунал хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига назар солсак, уларнинг фаолиятини янада самарали бўлишини таъминлаш, бошқарув ва ташкилий-ҳуқуқий таъминоти, бошқарув ҳисобини тизимли ташкил этиш ҳамда молиявий кўмаклашиш муҳим масала ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш иқтисодиётимизнинг, хусусан аҳоли яшаш пунктларида инсонларни яшаш шароитларини комплекс яратувчи ва бошқарувчи энг асосий бўғин ёки соҳа деб қарашимиз лозим. Умуман олганда, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг асосий хусусияти шундан иборатки, унда уй-жойдан фойдаланишда аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Шунга кўра, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий соҳа эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқсак, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, хусусан жойларнинг мулкдорлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларга хизмат кўрсатувчи ягона ҳисоб-китоб марказларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва уларни самарали бошқаришга оид мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда тегишли хулоса чиқарган ҳолда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу соҳада асосий муаммолардан бири хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни аниқ бир тартибга солинмаганлигидадир. Гап шундаки, ўзаро иқтисодий муносабатлар мувозанатини таъминлаш бугунги кунгача давлат зиммасига тушиб келмоқда. Кўп квартиралли уйларнинг мулкдорларида истеъмол маданияти пастлигича қолмоқда. Оқибатда коммунал хизмат кўрсатиш тизимида мавжуд долзарб муаммолар ўз ечимини топмай келмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Уй-жой коммунал хўжалигининг ягона ҳисоб марказида жойларнинг мулкдорлари ва уларга коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлари тўғрисидаги ахборот базаси, хусусан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини юритиб бориши унинг ҳисоб сиёсати белгиланиши аҳамиятлидир. Умуман олганда ЯХКМнинг ҳисоб сиёсатини ўрнатишнинг концептуал асосларини шакллантириш тамойиллари ҳисоб назарияси доимо мутахассисларнинг диққат марказида туради.

Ягона ҳисоб марказининг фаолият юритиши мобайнида ташқи ахборотлар муҳим ўрин тутди. Ушбу ташқи бошқарувчилик ахборотини шакллантириш асоси бўлиб бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳисобланади. М.Р.Мэтьюс ва М.Х.Перера “Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби ҳар доим ҳам бир-бири билан мослашиб кета олмайдиган, ноаниқ ёки тўлиқ бўлмаган назариялар мавжудлиги билан характерланади”[4], - деб таъкидлаган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мавжуд назарияларнинг энг асосий камчилиги шундан иборатки, амалий процедураларни баҳолашга имкон берувчи тизимли назариянинг етишмаслигидир. Бундай шароитда ҳисоб билимларидан самарали фойдаланиш вазифаси биринчи навбатдаги вазифага айланади.

Ташқи бошқарувчилик ахборотнинг асосий қоидаларини умумлаштириш ва деталлаштириш даражасига кўра, қуйидаги таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳисобнинг умумий қабул қилинган тамойиллари, молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисобот стандартлари, бошқа норматив ва қонунчилик ҳужжатлари.

Турли илмий ва амалий манбаларда айнан бир хил тамойилларни учратиш мумкин, бироқ ўзгарувчанлик деярли барчасида мавжуд. Ҳисобнинг асосий тамойиллари Я.В.Соколов томонидан “Бухгалтери ҳисоби назарияси асослари” китобида тамойиллар қаторига қуйидагилар киритилган: бутунлик (яхлитлик), мустақиллик, қайд этиш, узлуксизлик, идентификациялаш, нисбийлик, тўлдирувчанлик, верификацияланиш, зиддиятсизлик, тушунарлилик, шарҳланувчанлик (изоҳланувчанлик), алоқа [6].

И.В. Берентейн “Россияда коммунал хизматларни тақдим этиш соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг тартибсиз ривожланиши натижасида ягона қонунчилик соҳасида ресурс таъминоти ташкилотлари, уй-жой мулкдорлари

ширкатлари, пудратчи ва хизмат кўрсатувчи компаниялар, ягона ҳисоб-китоб марказлари ва аҳоли ўртасида шартнома муносабатларини ташкил қилиш учун турли хил тизимлар ишлаб чиқилган ва таъминот билан боғлиқ низоларда турли хил суд амалиётлари мавжуд. коммунал хизматлар”[1].

И.А. Болдырева “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар тизимида уларнинг рақобатдош устунликларини сақлаб қолиш учун ягона ахборот-ҳисоб-китоб марказлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг услубий ёндашувларини асослайди, шу жумладан:

1) турли хил ҳуқуқий шаклларда ахборот-ҳисоб-китоб марказларини яратиш имкониятларини кўриб чиқиш (коммунал унитар корхона, масъулияти чекланган жамият, уй-жой коммунал хизмати ёки мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимининг таркибий қисми);

2) тўловларни йиғиш ва ундириш, абонент базасини ва даъво ишларини юритиш бўйича хизматлар учун маълумот ва ҳисоб-китоб марказларининг иш ҳақи миқдорини аниқлаш;

3) банк ва ахборот-ҳисоб-китоб марказлари ўртасида овердрафтдан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи провайдерларга қисқа муддатли тижорат кредитларини жорий этиш орқали марказларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, шаҳар ва шаҳар ҳокимиятининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги интеграциялашган ахборот мажмуасининг ахборот-ҳисоб-китоб марказларини шакллантириш, шу жумладан уй-жой коммунал хизматлари учун тўловлар, хизматларни тўлашда ижтимоий тўловлар миқдори, уй-жой фондининг ҳолати, унинг яхшиланиш даражаси ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси билан ўзаро алоқада бўлган коммунал хизматларнинг бошқа маълумотлари” [2].

Р.В. Титов “Уларни шаҳар муниципал ахборот тизимида киритиш имкониятларини кўриб чиқиш керак. Шу муносабат билан соҳа учун автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш лозим. Алоҳида минтақаларда тажриба синтезига асосланиб, Россия Федерациясининг барча таъсис корхоналарида шунга ўхшаш тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Уй-жой коммунал хизматлари учун автоматлаштирилган уй-жой ахборот тизими соҳани ҳар томонлама автоматлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уй-жой қурилиш кооперативлари, компания раҳбарлари ва паспорт столлари фаолиятини бошқариш учун зарурдир. Уй-жой коммунал хўжалигини автоматлаштириш орқали такомиллаштириш юқори рақобатдошликни таъминлаш йўлидаги мантиқий қадамдир. Шунга ўхшаш ахборот маҳсулотлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг бошқарув компаниялари орасида муваффақиятли ишлайди” [7].

И.А. Рудаковнинг таъкидлашича, “Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш жараёнини, шунингдек фойдаланувчиларнинг иш жойларини барча функцияларини амалга оширадиган асосий таркибий қисм Траст-биллинг тизими бўлиб, у қуйидагиларни таъминлайди:

- ҳисоблар жадвалида умумий дафтарчани юритиш;
- иерархик қайта тикладиган каталогларни юритиш;
- меҳнат шартномаларини расмийлаштириш ва юритиш;

- хизматлар истеъмолчиларининг шахсий ҳисобларини юритиш; хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг шахсий ҳисобларини юритиш;
- субсидиялар ва имтиёзларни молиялаштириш манбаларининг шахсий ҳисобварақларини юритиш;
- тўловларни ҳисоблаш;
- векселларни чоп этиш учун участкани юритиш;
- уй-жой коммунал хизматларини автоматлаштирилган тизимида тўловларни қабул қиладиган сайт;
- сканерлаш жойини кўриш; тўловларни тарқатиш майдони.

Траст-Биллинг қурилиш асбоблари тўплами мижозларнинг бизнес жараёнларига боғлиқ равишда муайян функцияларни бажариши учун фойдаланувчилар параметрлари ва иш станциялари учун функционал соғламаларни таъминлайдиган алгоритмлар ва атрибутларнинг кенг доирасини тақдим этади” [5].

Е.В. Дворникованинг фикрича, “Бошқарув тизимининг ахборот таркибий қисмини ишлаб чиқиш учун қуйидаги хизмат билан боғлиқ бўлган ахборот оқимларини бирлаштирган ҳолда кўп хизматли тармоқларни ва уй-жой фондини яратиш тавсия этилади:

- а) жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- б) муҳандислик иншоотларини назорат қилиш ва бошқариш;
- в) коммунал хизматларнинг тижорат ҳисоби;
- д) аҳолини замонавий телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш.

Шаклларда кўп хизмат тўпламларини яратиш самараси қуйидагича баҳоланади:

- 1) турли тизимларни қуриш ва улардан фойдаланиш (хавфсизлик, кузатув, диспетчерлик) вақтида бюджет харажатларини камайтириш;
- 2) аҳолининг хавфсизлиги ва ижтимоий фаровонлиги даражасини ошириш;
- 3) аҳолига кенг турдаги ахборот хизматларини тақдим этиш (телевизион эшиттириш, интернетга кириш).

Минтақавий (шаҳар) автоматлаштирилган тизимлар билан ягона ҳисоб-китоб марказларининг ахборот ресурсларини ягона технологик ечимларининг кўп хизматли тармоқлари асосида интеграцияни чуқурлаштириш имкониятини намойиш қилиш: техник инвентаризация бюроси; паспорт идоралари; фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари; энергия манбаларини тижорий ҳисобга олиш; тарифларни тартибга солиш ва уй-жой субсидияларини рўйхатдан ўтказиш органлари” [3].

Уй-жой коммунал хизмат тизимида бошқарув ҳисоби ахборотлари бошқарув қарорларини қабул қилишдаги муҳим ҳисобланади. Шундай экан, бошқарув ахборотлари коммунал соҳада хоҳ алоҳида бир хизмат турини бошқариш, хоҳ коммунал хўжалигининг бутун тармоғини бошқаришни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ягона ҳисоб-китоб марказини ташкил этиш ва унда ахборот базасини яратиш тартиби ва максимал даражада ахборотлардан самарали фойдаланиш, унда ҳисоб юритиш, бошқарув ҳисобида харажатларни ҳисобга олишнинг замонавий усулларини қўллаш ва улардан кенг фойдаланиш лозим.

Шунга кўра, фикримизча, уй-жой коммунал хўжалигини самарали бошқариш механизминини ишлаб чиқиш ва ягона ҳисоб-китоб марказида бошқарув ҳисобини

шакллантириш ва самарали ташкил этишда қўйидаги тартибга риоя этиш мақсадга мувофиқдир: корхонанинг аниқ мақсадларини ўрнатиш, энг мақбул чоратадбирларни белгилаб олиш ва режалаштириш, режаларни бажариш ва ижро интизомига қатъий амал қилиш, мониторинг ва ижро назоратини самарали юритиш, бошқарув тизими ва бошқарув ҳисобининг замонавий усулларини қўллаш, ахборотларни саралаш ва таҳлил қилиш (тўғри, тезкор ва ишончли ахборотни тўплаш), четга оғиш ва камомадларни аниқлаш ва муаммоларни ҳал этиш учун оператив ва самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолани тайёрлаш билан бирга уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ягона ҳисоб-китоб марказининг афзалликлари ва камчиликлари, уларда ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, ишчи ҳужжатларнинг намунавий шакллари, ҳисоб-китоб шакллари такомиллаштириш бўйича тизимли ёндашув асосида таҳлиллар ўтказилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш мобайнида тадқиқот объектимиз ҳисобланган уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўйича Марғилон шаҳрида фаолият юритувчи уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳолати ўрганилди. Бугунги кунда, Марғилон шаҳрида умумий 36 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўлиб, уларнинг барчаси “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУКнинг ҳудудий филиалига аъзо эмаслар ва уларнинг мулкдорлардан тўпланган аъзолик бадаллари ва тушумлари бўйича молиявий ҳисобот юритиш ишларидаги қатор муаммолар мавжуд. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз ишларини эски тизимда ташкил этиб, ҳозирга қадар мулкдорлар томонидан тўланаётган аъзолик бадаллари, яъни нақд пулларни қўлда оддий дафтарларга кириш қилиниши.

2. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари қабулига аъзолик бадални нақд пулда тўлаш учун келган мулкдорларга оддий тўлов квитанцияси орқали тўловларни қабул қилаётган бўлсада, бироқ олинган маблағларнинг қанчаси ҳақиқатда банкка топширилганлиги тўғрисида маълумотлар ширкатлар иш юритиш дафтарларида хонадонлар кесимида мавжуд эмас;

3. Жойларнинг мулкдорлари тўловни банк орқали амалга оширишлари учун жуда кўп ортиқча вақт сарфлашади, яъни дастлаб банкка, сўнг яна ширкатга қайтиб келиб, тўлов квитанцияси нусхасини ширкатга беради. Ширкат раиси уни оддий тусдаги кириш дафтарида қайд қилади (1-расм).

11-11	6/37	120.000	11-11
11-11	8/44	100.000	11-11
11-11	8/24	250.000	11-11
11-11	8/16	150.000	11-11
11-11	8/17	34.000	11-11
11-11	8/17	66.000	11-11
11-11	6/26	50.000	11-11
11-11	40/11	20.000	11-11
11-11	40/6	150.000	11-11
		64400	
10.12.9	8/9	150.000	11-11
8/16	36/16	50.000	11-11
6/4	6/4	22.000	11-11
		222000	
8/9	40/9	24.000	11-11
8/25	8/25	18.000	11-11
8/13	8/13	34.000	11-11
8/14	8/14	37.000	11-11
36/8	36/8	25.000	11-11
8/33	8/33	18.000	11-11
40/24	40/24	23.000	11-11
40/22	40/22	50.000	11-11
38/27	38/27	23.000	11-11



**1-расм. Ягона ҳисоб-китоб марказига аъзо бўлмаган уй-жой мулкдорлари ширкатларида тўловларни қўлда ёзилган оддий тусдаги дафтари ва тўлов квитанцияси**

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги амалиётда ширкат томонидан банкда ҳар бир мулкдор бўйича очилган шахсий ҳисоб варағи орқали электрон тарзда қиёсий таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас, ширкатда унга бириктирилган барча уйларнинг йиғиндиси бўйича тўланган умумий маблағлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлса-да, ҳар бир мулкдор томонидан тўланган маблағлар ва унинг сарфланиши бўйича маълумотлар қайдномаси мавжуд эмас.

Демак, бу уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларнинг энг долзарб муаммолари, яъни тўловларни ўз вақтида ундириб олиш ҳисобланиб, ягона ҳисоб-китоб марказлари бу борадаги муаммоларни ечимлари бўйича самарали ишларни ташкил этиши муҳимдир.

Қуйида ягона ҳисоб-китоб марказларида тўловларни кирим қилиш ёки ундириш бўйича маълумотларни қуйидаги 2-расмда келтириб ўтамыз.

**Жойларнинг мулкдорлари, нотурар жой эгалари ва ижарадан йиғиладиган 1 ойлик мажбурий бадал ва сарфланиши**

1 м<sup>2</sup> учун 600 сўм, нотурар жойлар учун 1 м<sup>2</sup> 1200 сўм, ертўла ижараси 1 м<sup>2</sup> 2000 сўм

29 та кўп қаватли уй умумий майдони 65 772 м<sup>2</sup>


Мулкдорларнинг бадал ва тўловлари	39.463.200
Нотурар жой эгаларидан	2.400.000
Ер тўлалар ижарасидан	1.000.000
Хонадонларга кўрсатиладиган хизмат	1.000.000

Иш хақи харажатлари 24.304.000

Хўжалик харажатлари	4.000.000
Лифт, жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар харажатлари	7.540.000

Бошқарув ташкилоти ҳисоб рақамида жамланадиган маблағ 8.019.000

### Мажбурий бадал тўловини “ОБОД УЙ” дастури бўйича ундириш



### 2-чизма. Ягона ҳисоб-китоб марказининг тўловларни кирим қилиш ёки ундириш ҳолати

Фикримизча, ягона ҳисоб-китоб марказларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- жойларнинг мулкдорлари билан шартномалар тузиш;
- жойларнинг мулкдорларига алоҳида шахсий счётлар очиш;
- тўловларни тўлаш учун зарур бўлган маълумотлар базасини юритиш;
- ҳисоблагич кўрсаткичлари маълумотларини қайта ишлаш;
- тўловларни қайта ҳисоблаш ва чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда тарифлар ва ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича тўловларни ҳисоблаш;
- ягона тўлов ҳужжатларини ҳисобга олиш ва юритиб бориш;
- тўлов тизимлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш;

3-жадвалда ягона ҳисоб-китоб марказлари фаолияти ва уларни жойларнинг мулкдорларига, уй-жой мулкдорлари ва бошқарувчи ташкилотларга хизмат кўрсатиш афзаллиги ва камчиликлари таҳлили келтирилди.

Ягона ҳисоб-китоб марказларининг афзаллиги ва камчиликларининг қиёсий таҳлили

Жойларнинг мулкдорлари учун		Уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун		Бошқарувчи ташкилотлар учун	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Мобиль илова орқали ҳисоб-китобларни доимий танишиш мумкинлиги	Ҳисоб-китоб ишларини ягона ҳисоб-китоб маркази бажарсада, ширкат мулкдорлар олдида ҳисобдорлиги	Тўловларни ягона ҳисоб-китоб марказлари томонидан ундириб олиниши	Молиявий мустақиллик ва маблағларни тасарриф этиш ягона ҳисоб-китоб маркази томонидан назорат қилиниши	Уй-жой фондининг ҳолати, хизматлар ҳажми, қисқа етказиб бериш ва авариялар тўғрисида маълумотлар базасининг мавжудлиги	Молиявий мустақиллик ва маблағларни тасарриф этиш ягона ҳисоб-китоб маркази томонидан назорат қилиниши
Ҳисоб-китоблар "Обод уй" электрон дастури орқали амалга оширилиши	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини олиш қийинлиги	Обуна китобларини ойлик тўловлар билан алмаштириш, тўловчилар билан фаол ишлаш мумкинлиги	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ягона ҳисоб-китоб маркази юритсада, унга уй-жой мулкдорлари ширкати явабгарлиги	Бошқарувчи ташкилотларга аъзо жойларнинг мулкдорлари томонидан тўловларни амалга оширишнинг қулайлиги	Тарифларга ягона ҳисоб-китоб маркази хизматлари учун тўловларнинг қўшилганлиги
Ҳисоб-китобларни амалга оширишда инсон омилининг мажуд эмаслиги	Жойларнинг мулкдорлари шахсий кабинетдан фойдаланиш тартибларини билмаслиги	Тўловларни амалга оширишда автоматлаштирилган тизим яратилганлиги	Баъзида ягона ҳисоб-китоб марказидан керакли маълумотларни оператив олиш қийинлиги	Уй-жой коммунал хўжалигининг молиявий ҳолати тўғрисида ишончли маълумотлар	"Обод уй" электрон дастурини ягона ҳисоб-китоб маркази бошқариши натижасида мулкдорлар бошқарувчи ташкилотга ишончининг пасайиши
Қарздорликни доимий назорат қилиш мумкинлиги	Барча тўловлар ягона ҳисоб-китоб маркази орқали амалга оширилганлиги сабабли мулкдорлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки бошқарувчи ташкилотга ишончсизлигининг ортиши	Аҳолига ҳисоб-китоблар, қисқа етказиб беришлар, имтиёзлар, тўловлар бўйича ҳисоботларни олиб борилиши	"Обод уй" электрон дастурини ягона ҳисоб-китоб маркази бошқариши натижасида мулкдорлар уй-жой мулкдорлари ширкатига ишончларининг пасайиши	Мустақил оператор томонидан тайёрланган маълумотларга эга бўлиш	-
Барча коммунал хизматларида истеъмолчи учун битта ҳисобни ҳосил қилиши	-	Ҳисоб-китоблар "Обод уй" электрон дастури орқали амалга оширилиши орқали маълумотлар шаффофлигига эришилганлиги	-	-	-
Тўловларни электрон ўтказиш мумкинлиги	-	Ягона ҳисоб-китоб маркази дебиторлик қарзларини йиғиш, даъво аризаларини тайёрлаш ва тўловларни тўлаш бўйича шартномаларни тузиши	-	-	-
Тўлов қилиш учун бориб-келиш харажати йўқлиги ва вақтнинг тежалиши	-	Ҳисоб-китобларнинг ягона маълумотлар базасини мавжудлиги	-	-	-



### Хулоса ва таклифлар

Жойларнинг мулкдорларидан тўловларни олиш шакли нақд ва нақдсиз пул шаклида амалга оширилади ва иккала усулнинг асосий меъёрий ҳужжати тўлов квитанцияси ҳисобланади.

Аксарият, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда тўлов квитанцияларини асосан уларнинг ўзлари томонидан тасдиқланади ва тўловлар ягона ҳисоб-китоб марказининг шахсий счётида қайд қилинади. Ушбу ҳолларда, жойларнинг мулкдорларига баъзи хизмат кўрсатувчилар ўз тўлов квитанциялари орқали тўловларни қабул қилиб олиб, конверт усулида қопланадиган харажатларини қоплашга ҳаракат қиладилар.

Бундай усулга барҳам бериш керак ва жойларнинг мулкдорлари тўловлари тушуми шаффофлигини таъминлаш учун ягона тўлов ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тўловларни амалга ошириш учун ягона тўлов квитанциясини жорий қилиш лозим ва ушбу ягона тўлов квитанцияси биз томонимиздан ишлаб чиқилди (4-расм).

Квитанция рақами № 000000179882	  	Мухр	<b>Ягона тўлов квитанцияси</b>					
			Олувчи:	“Минатдор мижоз люкс” уй-жой мулкдорлари ширкати				
			ИНН:	300606375				
			Ҳисоб рақами	20412000904657679001, “Асака банк” АТБ, Сергели филиали				
			МФО	00958				
			Тўловчи шахсий рақами	000073642522				
			Тўловчи:	Маматкулов М.Ш.				
			Адрес:	Тошкент ш. Сергели тумани, Қўйлиқ 7-массив, 4-уй, 13-хонадон				
			УЖМШга 2020 й. “январь” ойи учун аъзолик бадали тўлови бўйича маълумот					
			Тўлов тури	№4 уйнинг 1 м <sup>2</sup> учун тариф (сўм)	13-хонадон майдони (м <sup>2</sup> )	Ойлик ҳисобланган сумма (сўм)	Тўланган сумма (сўм)	Қарз суммаси (сўм)
Аъзолик бадали	1720	116	199520	199520	0			
Тўланган сумма сўз билан ёзилсин: Бир юз тўқсон тўққиз минг беш юз йигирма сўм УЖМШ манзили: Тошкент ш. Сергели тумани, Қўйлиқ 7-массив, 7-уй Боғланиш:								

### 4-расм. Ягона тўлов квитанцияси

Ягона квитанцияни фақат банк томонидан чоп эттирилиши зарур ва квитанция рақами банк томонидан рақамланган ҳолда чиқарилиши талаб этилади.

Ушбу ягона тўлов квитанциясини қўллаш қуйидаги қатор муаммоларни бартараф этади:

- хизмат кўрсатувчилар томонидан жойларнинг мулкдорлари тўловларини ноқонуний ўзлаштирилиши олди олинади;
- ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш ва тушумлар ягона тизимга келиб тушишига хизмат қилади;
- ягона тўлов квитанциясини жорий этиш орқали одатда, ширкатлар ва бошқарувчи ташкилотларда нақд пул айланмасини қисқартиради ва кўп фирибгарликлар олди олинади.

Ягона тўлов квитанцияси орқали тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- тўловлар банкдаги ягона ҳисоб-китоб марказининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Кўпинча, бу иккинчи банк ҳисоб-китоб счётида акс эттирилади, унинг барча муомалалари жойларнинг мулкдорлари томонидан тўловларни қабул қилиш билан боғлиқ, яъни ягона ҳисоб-китоб марказининг қолган молия-хўжалик фаолиятдан ажратилган бўлади;

- банклар, почта алоқаси филиаллари, тўлов атамалари каби барча тўлов пунктларидан тўловлар ва билдиришномаларнинг электрон реестри ҳисоблар амалга оширилган ҳисоб-китоб пунктлари бўйича тартибланади;

- ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув ташкилот учун тўлов регистрларидаги ҳисоблаш пунктида кунига тўланадиган ҳақ миқдори белгиланади;

- кунига тўланадиган ҳақ миқдори учун ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотга пул ўтказиш учун тўлов топшириғи берилади;

- ҳар бир шахсий ҳисоб учун йиғимларнинг миқдоридан келиб чиқиб, битта чекда кўрсатилган хизмат кўрсатувчи провайдерларга тўланадиган тўлов ҳисоблаб чиқилади;

- ягона ҳисоб-китоб маркази кунлик тушумлар бўйича ҳисоб-китоб маълумотларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларга юборади;

- уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилот талабига кўра, уларнинг банкдаги ҳисоб счётига сўралган миқдордаги маблағни ўтказиб беради.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш жараёнида кўплаб янги бошқарувчи ташкилотларини ташкил этиш жараёни оммавий характерга эга бўлсада, ундаги ҳисоб-китоб хизматларини ягона ҳисоб-китоб марказлари орқали аутсорсинг хизматларини кўрсатилиши янги бошқарувчи ташкилотлари бошқарувида касбий кўникмаларга эга бўлиш муаммоларини юмшатиш усули ҳисобланади. Ягона ҳисоб-китоб марказларидан бошқа ҳеч ким ушбу функцияни самарали бажара олмайди. Албатта, шу билан бирга, ягона ҳисоб-китоб марказлари тўловлар ва тўловчиларнинг маълумотлари базаси йўқолмаслигини кафолатлашлари шарт.

Қонунчиликка кўра, жойларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар махфий маълумотлар сифатида таснифланади, шу сабабларга кўра, жойларнинг мулкдорлари уларга хизмат кўрсатадиган ширкатлар ва бошқарувчи ташкилотлар, яъни уйларни бошқарувчиси ўзгарганда барча маълумотлар базаси ягона ҳисоб-китоб марказида ўзгармай қолади ва бу ахборотлардан фойдаланувчилар учун қулайдир ҳамда маълумотларнинг мақсадли ишлатилиши ва ўзлуксизлигини назорат қилиш таъминланади. Уй-жой коммунал хизматлар бозорининг мутлақо янги даражадаги шаффофлигини таъминлашда ягона ҳисоб-китоб марказлари муҳим аҳамият касб этади, чунки ягона ҳисоб-китоб марказлари ҳисоб-китоб юритиш тартиби шаффоф бўлишини таъминлаши зарур.

Ягона ҳисоб-китоб марказларини хизмат кўрсатиши уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилишни бошқаришни осонлаштиради. Бу биринчи навбатда чора-тадбирларни тартибга солиш ва коммунал тармоқларни инвестициялашни белгилашда, хусусийлаштириш ёки давлат активларини бошқаришда, уй-жой

коммунал хўжалигида тартибни тиклаш, ислоҳот босқичида соҳадаги ўзгаришларнинг бошқаришни таъминлайдиган субъект деб ҳисоблаш лозим.

Ягона ҳисоб-китоб марказлар фойдаланувчи марказлаштирилган биллинг тизими хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ҳамда ресурсларни етказувчилар харажатларини камайтириш имконини беради. Амалиётни тадқиқ натижалари шуни кўрсатадики, ягона ҳисоб-китоб марказлар мижозларга хизмат кўрсатиш ўртасида функцияларни қатъий тақсимлаш, ўз хизматларини изчил ва малакали амалга ошириши самарасиз йўқотишларни камайишига олиб келади. Ягона ҳисоб-китоб марказларининг хизматлари ширкатлар ва бошқарувчи ташкилотлар ўз молиявий маблағларини ўзбошимчалик билан бошқариш имкониятидан маҳрум этади.

Тўловлар бўйича қарздорликни шахсий ҳисоби қарздорлар билан ишлаш учун мутлақо янги имкониятларни очиб беради, бунинг натижасида уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг дебиторлик қарзлари қисқаради, уларнинг иш цикллари қисқаради ва иқтисодий самарадорлиги ошади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Берентейн И.В. Правовое регулирование водоснабжения и водоотведения в Российской Федерации. Автореф. диссер. соис. уч. степ. к.ю.н. Москва:2006. – С. 28.

2. Болдырева И.А. Эволюция финансового механизма функционирования сферы жилищно-коммунальных услуг: императивы, структурные характеристики, инструменты. Автореф. диссер. соис. уч. степ. д.э.н. Ростов-на-Дону: 2009. – С. 44-45.

3. Дворникова Е.В. Совершенствование системы управления рынком жилищно-коммунальных услуг в мегаполисе: институциональные, кадровые, информационные аспекты. Автореф. дисс. соис. уч. степ. к.э.н. Москва: 2009. – С. 7-8.

4. Мэтьюс М.Р., Перера М.Х. Теория бухгалтерского учета/Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1999. – С. 93.

5. Рудаков И.А. Разработка организационных структур и специального программного обеспечения автоматизированных систем жилищно-коммунальных платежей. Автореф. дисс. соис. уч. степ. к.э.н. Воронеж: 2005. – С. 11-12.

6. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С.30-41.

7. Титов Р.В. Инвестиционные механизмы реформирования и развития жилищно-коммунального хозяйства (на материалах Ставропольского края). Автореф. дисс. соис. уч. степ. к.э.н. Ставрополь: 2008. – С. 19-20.